

август 2019

Ишонч

Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

Ishonch

2019 йил 27 август • сешанба • № 105 (4234)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЮНЕСКО БОШ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 август кўни Самарқанд шаҳрида БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош директори Одри Азулени қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қўлаб, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги конструктив мулоқот изчил ривожланиб, шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Одри Азуленинг ушбу нуфузли халқаро ташкилот бош директори сифатидаги мазкур илк ташрифи ўтган йили Париж шаҳрида бўлиб ўтган учрашувнинг мантаний давоми бўлиб, устувор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида томонларнинг иштироки қатъий эканидан далолат бериши таъкидланди.

Бугунги кунда ЮНЕСКО томонидан биринчи марта қабул қилинган Мамлакат дастури доирасида устувор йўналишлар бўйича қўшма чора-тадбирлар самарали амалга оширилмоқда.

Халқимизнинг ноёб моддий ва номоддий маданий-тарихий меросини асраш соҳасида ҳамкорлик қилиш ва бу борадаги алмашинувларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳоннинг илғор тажрибасини чуқур ўрганиш ва татбиқ этиш мақсадида юртимизда ЮНЕСКО кафедралари тармоғи кенгаймоқда. Бу ерда гап Ўзбекистоннинг етакчи олий таълим муассасаларида «Дунё динларини қиёслама тадқиқ этиш», «Сув дипломатияси, сув ресурсларини бошқариш ва атроф-муҳит муҳофазаси», «Маданият туризми» каби кафедралар очилиши ҳақида бормоқда.

ЮНЕСКО қўмағида мамлакатимизда «Шарқ таро-

налари», бахшичилик санъати, ҳунармандчилик фестиваллари, Мақом санъати анжумани каби қатор йирик халқаро тадбирлар ташкил этилмоқда.

Учрашувда кенг қўламли шерикликни янада ривожлантириш, жумладан, Жаҳон мероси қўмитасининг навбатдаги сессияси якунида эришилган келишувларни сўзсиз амалга оширишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда маданий мерос объектларини ривожлантириш ва асраш соҳасидаги фаол саяё-ҳаракатларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди. Самарқандда шу мавзуга бағишланган муваффақиятли ўтказилган қўшма халқаро конференция натижалари юксак баҳоланди.

Маданият, таълим ва фан, гендер сиёсати йўналишларида ҳамда экология, жумладан, Орол фожияси оқибатларини бартараф этиш йўналишида амалий ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди.

ЮНЕСКО Бош директори самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Юртимизда бой маданий меросни асраб-авайлаш, туризм салоҳиятини рўёбга чиқариш, таълим ва фан, атроф-муҳит муҳофазаси соҳаларида муҳим ўзгаришларни амалга ошириш борасидаги ислохотлар ижобий натижалар бераётгани мамнуният билан қайд этилди.

ЮНЕСКО Ўзбекистон билан кенг қўламли шерикликни бундан буён ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлашда қатъий экани таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилди.

Президент топириғига мувофиқ, Имом Бухорий мажмуасини реконструкция қилиш ва кенгайтириш кўзда тутилган. Симметрик тарзда иккита масжид ва тўртта минора қуриш, йўлдан кириб келишда хиёбон, унинг атрофида кичик меҳмонхоналар ва йирик отелъ, бошқа инфратузилма объектларини бунёд этиш режалаштирилган.

2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ЎН ИККИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум!
Азиз ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Хурматли фестиваль қатнашчилари!
Хонимлар ва жаноблар!

Бугун сиз, азизлар билан гўзал Ўзбекистон диёрида, «Ер юзининг сайқали» деб ном олган қадимий ва бетақрор Самарқанд шаҳрида кўришиб турганимдан бахтиёрман.

Барчангизни «Шарқ тароналари» ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Мана, йигирма икки йилдирки, биз бу фестивални ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтказиб келмоқдамиз.

Бугун ушбу ташкилотнинг Бош директори Одри Азуле хоним юртимизга шахсан ташриф буюриб, анжуманимизга алоҳида файз ва кўтаринки руҳ бағишлагани учун самимий миннатдорчилик билдираман. Шунингдек, тантанамизда қатнашаётган фахрий меҳмонларимиз:

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Сергей Лебедевга, Россия Федерацияси Президентининг маданият масалалари бўйича маслаҳатчиси

Владимир Толстойга, Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Ақтўти Раимқуловга, Қирғизистон Республикаси маданият, ахборот ва туризм вазири Азамат Жаманқуловга, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Орумбекзодага, Туркменистон маданият вазири Атагелди Шамуродовга, Бангладеш Халқ Республикаси маданият вазири Муҳаммад Холлида, Бутан Қироллиги маданият ва ички ишлар вазири Шеруб Гелтшенга, Польша Республикаси маданият ва миллий мерос вазири Ўринбосари Павел Левандовскига, Буюк Британия Парламенти Лордлар Палатаси аъзоси Муҳаммад Илтоф Шайхга, Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси сенатори Екатерина Дуловага, Япониянинг Нара шаҳри мэри Мотонобу Накагавага, Корея Республикаси Андонг шаҳри мэри Квон Ёнг Сег, Лал Баҳодур Шастри институти раиси, Ҳинд – Ўзбек дўстлик алоқалари кенгаши президенти Анил Шастрига, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги муҳтарам элчилари ва вакиллари, фестивалимизни жаҳон миқёсида ёритиш мақсадида юртимизга келган оммавий ахборот воситалари ходимларига чуқур ташаккур изҳор этаман.

Бугунги анжуманимизда дунёнинг барча қитъаларидаги 75 та давлатдан 340 нафар азиз меҳмонимиз иштирок этмоқда.

Биз ушбу таниқли маданият арбоблари, машҳур ижодий гуруҳлар ва истеъдод соҳибларини санъатнинг чинакам фидойилари, тинчлик ва эзгулик элчилари сифатида хурмат қиламиз ва юксак қадрлаймиз.

Хуш келибсиз, гўзал Ўзбекистонимизга,
Хуш келибсиз, муаззам Самарқанд шаҳрига!

Хурматли фестиваль иштирокчилари! Ҳаммамизга яхши маълум, дунёнинг кўплаб қитъа ва минтақаларида турли санъат ва мусиқа анжуманлари ўтказиб келинади.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали улар орасида ўзининг алоҳида ўрни, шухрати ва мақоми билан ажралиб туради.

Ушбу фестиваль сабабли бугунги кунда афсонавий Самарқанднинг узоқ ўтмишини акс эттирадиган мунаввар кошоналари, муаттар ҳавоси билан бирга, бу муқаддас заминдан таралаётган дилбар

ва мафтункор тароналар ҳам дунё аҳлини ўзига чорламоқда.

Ўтган салкам чорак аср давомида Самарқанднинг мовий гумбазлари, юлдузли осмони остида қанчадан-қанча сеҳрли наволар, ҳаётбахш оҳанглар янгради.

Фестиваль ўнлаб машҳур хонанда ва созандалар, ноёб ёш истеъодларни кашф қилди, уларнинг парвозига қанот, куч ва илҳом бағишлади.

Энг муҳими, ушбу анжуман турли цивилизациялар, халқлар ва миллатлар ўртасида ўзига хос маданий ҳамкорлик ҳамда мулоқот майдонига айланди.


Биз бу фестивалнинг замирида улғў ўзбек мутафаккир шоири Алишер Навоий бобомизнинг, олам аҳли, ҳамиша бир-бирингизга дўст бўлинг, Ер юзини ўз меҳнатингиз, истеъдодингиз билан обод қилинг, деган мазмундаги ўлмас даъвати муҳассам эканини кўрамыз.

Айни пайтда буюк француз адаби Вик-тор Гюгонинг «Эзгулик ва ҳамжиҳатлик – инсон маънавий оламининг қуёшидир» деган ҳикматли сўзлари мана шундай юксак ғоялар билан уйғун ва ҳамоҳангдир.

2

ҚАДИМ КЕНТДА ДУНЁ НАВОЛАРИ ЯНГРАМОҚДА

Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллиги арафасида Самарқанд яна бир нуфузли халқаро тадбирга мезбонлик қилмоқда. Дунё эътирофидаги нуфузли тантана – «Шарқ тароналари» XII халқаро мусиқа фестивали муносабати билан шаҳар байрамона безатилган.



Кенг ва озода кўчаларда ранг-баранг байроқлар ҳилпирайди. Сўлим боғ ва хиёбонлар таровати, одамлар юзидаги мамнуният катта байрам руҳини акс эттирган.

«Шарқ тароналари» халқаро му-

сика фестивали дунё халқлари ўртасида маданий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, мусиқа санъати анъаналарини асраш ва ривожлантириш мақсадида 1997 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Ҳар икки йилда

бир нишонланадиган фестиваль жаҳон аҳлининг ўзаро маданий мулоқотга бўлган ҳаётий эҳтиёжини рўёбга чиқаришда беқиёс восита бўлиб хизмат қилмоқда.

2

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида 26 август кўни «Моддий ва номоддий маданий меросни асраш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш стратегияси» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

МАДАНИЙ МЕРОСНИ АСРАШ ДУНЁ ХАЛҚЛАРИ БИРДАМЛИГИГА БОҒЛИҚ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) шафелигида ташкил этилган анжуманда халқаро ташкилотлар ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари, 77 давлатдан олимлар, архитекторлар, халқаро экспертлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг конференция қатнашчиларига йўлла-

ган табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов ўқиб эшиттирди.

ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле хоним конференция юқори савияда ташкил этилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирди. Анжуманнинг Самарқандда ўтказилиши тарихий аҳамият касб этишини, бу қадимий шаҳар нафақат буюк ипак йўли чорраҳасидаги йирик савдо, балки маданият маркази ҳам бўлганини таъкидлади.

2

Сирдарё вилояти

Юрт харитаси

Сирдарёнинг очиلاءтган сирлари

ёхуд Ховос ва Ховостепна ҳақида нималарни биламиз?

Сайхун дарёсининг қирғоқларида, Мирзачўл бағрида жойлашган Сирдарё вилоятининг бугун анчайин машҳур Гулистон, Ширин, Янгиер каби шаҳарлари бор. Улар ўтган асрда қад ростлаган. Демак, ёш. Қадимий ёзма манбаларда эса бу ҳудудда тарихий шаҳарлар, кентлар, қалъалар бўлгани ҳақида маълумотлар кам учрайди.

Лекин ўтган асрнинг 50-60-йилларида амалга оширилган археологик қазималар натижасида Ширин шаҳри атро-

фида қадимий қабристонлар, Бореут тумани маркази ва Ховос туманидаги тепаликлар бағрида қадимий қалъалар, кентлар, қўрғонлар ўринлари борлиги аниқланган. Бу масканлардан топилган айрим осори атиқалар ушбу қалъалар, қўрғонларда милоддан олдинги III-II асрларда ва илк ўрта асрларда ҳаёт қизгин давом этганини тасдиқлайди. Демак, бу ерларда шаҳарсозлик, маданий ҳаёт олис ўтмишдан бошланган.

4

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ – ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

Шиддаткор ахборот асри олдимизга кўпдан-кўп талаб ва вазибаларни қўймоқда. Улардан бири – маънавият деб аталмиш ғоят муҳим ҳодисага турли мафкуравий таҳдидлардир.

Тарбияда бўшлиқ бўлмасин!

Иносониётнинг яшаш учун тан соғлиги қанчалар зарур бўлса, руҳ саломатлиги ҳам шу қадар муҳимдир. Руҳият эса ҳар доим маънавият билан озиқланган. Миллат руҳияти ҳам айни шундайдир.

Тарихдан маълумки, аждодларимиз таълим ва тарбия масаласига устувор вазифа сифатида қарашган. Хусусан, тарбия ҳаёт-мамонт масаласи ўрнида қўрилган.

XXI асрнинг ахборотлари шиддатиде эса эзгуликка хизмат қиладиганлари билан бирга турли қарашлар, ўз ғояларини инсон шуурига жойлашга бўлган интилишларнинг чек-у чегараси кўринмай қолди.

3

Сурхондарё вилояти

Халқаро форум

Таниқли археологлар Термизда

Мамлакатимизда «Ўзбекистон – буюк йўллар ва цивилизациялар чорраҳаси: империя, дин, маданият» ҳафталиги ўтказилмоқда.



Ҳафталик доирасида 24-25 август кунлари Термиз шаҳрида халқаро археология форуми бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз тарихий-маданий меросини асраш, ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган ушбу форумда юр-

тимизнинг турли ҳудудлари ва 80 дан ортиқ давлатдан 300 нафарга яқин дунё илм-фани вакиллари, таниқли археолог олимлар, музейлар ва илмий тадқиқот институтлари раҳбарлари иштирок этди.

4

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ЎН ИККИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

«1 Бу фикрлар бундан неча юз йиллар аввал айтилган бўлса-да, бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасдан, бизнинг қалбларимизда, юракларимизда акс садо бермоқда.

Мана шу юксак саҳнага – кўркам ва муҳташам Регистон майдонига қадам қўйган ҳар бир санъаткор, миллиати, тили ва динидан қатъи назар, башариёт фарзанди сифатида дилларни дилларга, элларни элларга боғлайди.

Бунинг учун сизларга чин юракдан ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Имкониятдан фойдаланиб, бир масалага муносабатини билдириб ўтмоқчиман.

Барчангиз гувоҳсиз, шу кунларда генератив музика, сунъий интеллект ҳақидаги бахслар қизгин тус олмоқда. Келажак музикасини энди фақат техника яратди, деган башоратлар илгари сурилмоқда.

Лекин ҳаммамиз яхши биламизки, ҳар қандай мукамал техника воситаси ҳам тирик инсон нафасини, унинг юрак нолларини, жонли овоз жозибасини, чи-накам санъат ўрнини ҳеч қачон босилмас.

Ҳақиқий санъатни, соф ва боқий музикани фақат Парвардигори оламнинг марҳамати билан ҳазрати Инсон яратди.

Сайёрамизда турли келишмовчилик ва қарама-қаршилиқлар, уруш ва низо-лар авж олган таҳликали замонда, одам-зот тобора ўз дунёсига ўралиб бораётган бир шароитда музика инсонга инсонли-гини эслатиб, унинг қалбига келажакка умид ва ишонч уйғотади.

Музика санъати маданий феномен си-фатида янги авлодни тарбиялаш ва ка-молга етказиш борасида чексиз имкони-ятларга эгадир.

Санъат билан ошно бўлган ёшларнинг ҳаётга муносабати, миллий урф-одат ва умумбашарий қадриятларга ҳурмати ба-ланд бўлади.

Ва мен ишонаман, улар дунёни маъ-навий таназулдан қутқаришга қодир бўлган, ўзаро аҳиллик ва бирдамликни улуғловчи авлод бўлиб майдонга чиқади.

Шу маънода, музика – ҳеч нарса би-лан ўлчаб, солиштириб бўлмайдиган бекиёс илоҳий таъсир кучига эга десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

Муҳтарам меҳмонлар! Бугун биз мамлакатимизда миллий та-раққиётнинг мутлақо янги босқичига қа-дам қўймоқдамиз.

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган жадал ўзгариш ва янгиланишлар маданият ва санъат соҳа-сида ҳам изчил давом эттирилмоқда.

«Шарқ тароналари» халқро музика фестивалида орттирган тажрибамизга та-

янган ҳолда, биз биринчи марта Шаҳри-сабз шаҳрида Халқро мақом санъати ан-жуманини, Термиз шаҳрида Халқро бах-шичилик санъати фестивалини ўтказдик.

Сентябрь ойида Қўқон шаҳрида Халқ амалий санъати халқро фестивалини ўт-казишга катта тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Ушбу анжуманлар ЮНЕСКО, АЙСЕКО, Халқро фольклор санъати ташкилоти сингари нуфузли тузилмалар, сизлар каби санъат жонқуярлари томонидан кенг қў-лаб-қувватланаётгани учун барчангизга раҳмат айтмоқчиман.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда юзлаб музика ва санъат мактаблари, академик лицейлар, олий ўқув юртлири, кўплаб те-атрлар, тасвирий санъат ва концерт зал-лари фаолият олиб бормоқда.

Ўйлаётганимиз, сизлар ана шу ижод мас-канларига ҳам ташриф буюриб, ёшларимиз учун маҳорат дарслари бўлиб хизмат қи-ладиган учрашув ва суҳбатлар ўтказасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга бир тақлиф билан мурожаат қилмоқчи-ман.

Агар сизларда юртимиздаги консерва-тория ёки ўқув юртлирида ёшларга сабоқ бериш нияти туғилса, сизларни шахсан ўзим қўллаб-қувватлайман.

Муҳтарам фестиваль қатнашчилари! Санъатни, куй-қўшиқни севади-ган, ижод аҳлини муносиб қадрлайди-ган эл-юртимиз ушбу анжуманни қувонч

билан қутиб олмоқда.

Тубдан янгиланаётган Ўзбекистон би-лан яқиндан танишув, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз билан учрашув ва мулоқотлар Сизларда, албатта, ўчмас та-ассурот қолдиради, деб ишонаман.

Фестиваль доирасида бўлиб ўтадиган «Шарқ халқлари анъанавий музика санъатини ривожлантириш истиқбол-лари» мавзусидаги халқро илмий-амалий конференция ишига ҳам омадлар ти-лайман.

Бу ажойиб нафосат байрамини юқори савияда ўтказиш мақсадида фидокорона меҳнат қилган барча инсонларга, меҳ-мондўст ва олижаноб Самарқанд аҳлига анжуман иштирокчилари ва бутун халқ-миз номидан самимий миннатдорчилик изҳор этаман.

Қадри! Дастлар!

Азиз меҳмонлар!

Музика санъатига садоқатингиз, уни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўли-даги меҳнат-у маҳоратингиз, улкан ҳис-сангиз учун барчангизга яна бир бор че-ксиз эҳтиромимни билдираман.

Янги ижодий ютуқлар, миллионлаб мухлисларнинг олқиши ва меҳр-муха-бати сизларга ҳаммиша ёр бўлсин!

Жаҳонда тинчлик, халқлар ўртасидаги муштакам дўстлик ришталари барқарор бўлсин!

Этиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЮНЕСКО БОШ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

«1

Давлатимиз раҳбари мажмуани реконструкция қилишга оид тақлифлар билан танишди.

– Бу жой Имом Бухорий бобомизнинг илмий меросига, ислом оламидаги юксак мақомига муносиб бўлиши керак. Маскидлар кенг ва маҳабатли бўлиши лозим. Девоҳларга саҳиҳ ҳадислардан лавҳлар ёзиб қўйилса, мажмуанинг мазмуни янада бойийди. Бу ёшларга билим, маънавий озққа беради. Мамлака-тимизда зиёрат туризмнинг асоси аслида шу ер. Бу масканда зиёратчилар қанча бўлишдан қатъи назар, барча қулай шароит бўлиши керак, – деди Президент.

Шавкат Мирзиёев мажмуа реконструкциясини шошмасдан, сифатли ва чуқур ўйлаб лойиҳалаштириш, хориж тажрибасини ўрганиб, зиёратчиларга янада кенг қулайлик яратиш зарурли-гини таъкидлади.

Мажмуадаги ишлар мамлакатимизда илм-маърифатни ри-вожлантириш, динга эътиқод қилувчиларга эркинлик ва шароит яратиш борасида навбатдаги хайрли қадам бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёев «Шарқ тарона-лари» халқро музика фе-стивалини ёритиш учун кел-ган маҳаллий ва хорижий блогерлар билан суҳбат-лашди.

– Кейинги йилларда Ўз-бекистон дунёга очилмоқда ва халқро ҳамжамиятга ҳақиқатни етказишга инти-лиш бор. Энг муҳими, муҳо-кама қилиш, танқид қилиш мумкин, – деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда ислоҳот-ларни, маданиятимиз, тари-хий обидаларимизни бутун дунёга тараннум этишда бло-герларнинг ўрни катта экани таъкидланди.

– Сизларни жонажон Ўзбе-кистонимизда, қадимий цивили-зация маркази Самарқандда кўриб турганимдан бағоят мам-нунман. Бугун биз Ўзбекистон-нинг янги тарихини яратяпмиз. Мақсадимиз – халқимизга хиз-мат қилиш, одамларни рози қилиш ва келажакка ишонч билан қарашини таъминлаш. Бунга сизлар ҳам ҳисса қўша-сизлар, деб ишонаман, – деди Президент.

– Орангизда ўзимизнинг қо-рақўларимизни кўриб туриб-ман. Бу менга ифтихор бағиш-лайди. Билингки, Президент сизларни доим қўллаб-қув-ватлайди, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Мулоқот сўнггида Прези-дент блогерлар билан суратга тушди, уларнинг фаолиятга муваффақиятлар тилади.

ЎЗА

ҚАДИМ КЕНТДА ДУНЁ НАВОЛАРИ ЯНГРАМОҚДА

«1

ЮНЕСКО шафелигида ўтказиладиган йирик маданий тадбир бугунги мураккаб даврда инсонларни тинчлик, ҳамкорликка қаровчи ва буни амалда намоеън этувчи эз-гулик минбарига айланиб улғурди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 26 фев-ралдаги қарорига мувофиқ, «Шарқ тарона-лари» XII халқро музика фестивалига ҳар қачонгидан катта ҳозирлик қўрилди. Тарих зареҳларидан азиям шаҳар дея таъриф бе-риладиган Самарқандда кенг қўламда ку-рилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Юртимизда туризмни ривожлантириш борасидаги саяё-ҳаракатлар натижасида Самарқандда ҳам янги меҳмонхоналар, ресторон ва бошқа кўплаб туристик объект-лар бунёд этилди.

Биргина мисол. Ўтган йиғирма йилдан ортқ вақт давомида халқро музика ке-часи меҳмонларини қабул қилиш учун са-ноқли меҳмонхоналар ҳозирланган бўлса, жорий йилнинг ўзида 20 дан ортқ ана шун-дай хизмат кўрсатиш объекллари санъат аҳли учун шай қилинди.

Тадбир қатнашчиларига юқори дара-жада хизмат кўрсатишни таъминлаш мақ-садида юртимиз ва хорижда ишлаб чиқа-рилган, барча қулайликларга эга транспорт воситалари жалб этилди. Меҳмонларнинг Самарқанд билан яқиндан танишиши учун янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этилди. Амир Темурнинг тарихий боғи баланд ан-жирзорлари илк бор туристик маршрутга киритилди.

Самарқанддаги «Ипак йўли» туризм халқро университети ва Чет тиллар инсти-тути ўқитувчилари, талабалардан иборат 215 маалакли гид-таржимон хорижлик меҳ-монларга Ватанимизнинг бой ўтмиши, бу-гунги кун, улуғ аллоамларимиз ва жаҳон-гир боболаримиз, жаннатмонанд юртимиз-нинг гўзал табияти, самимий инсонлари ҳақида ҳикоя қилиб беради.

Самарқанд, Регистон майдони. 26 август, соат 19:00.

Күеш офққа бош қўйди. Муҳташам мад-расалар гулгун шафақ ва ранго-ранг чи-роқлар ёғдусида янада гўзал ва салобатли кўринади. Уч муҳташам мадраса ўртасида қурилган, фестиваль рухига мос безатил-ган амфитеатрга минглаб, миллионлаб ни-гоҳлар қадалган. Томошагоҳ «Шарқ таро-налари» халқро музика фестивалининг очилиш маросимига йиғилган одамлар би-лан тўлган. Улар орасида анжуман қатна-шчилари ва меҳмонлари, санъат ихлосман-длари, музикашунос олимлар, чет эллик ва маҳаллий журналистлар, сайёҳлар бор.

Фестиваль иштирокчилари Ўзбекис-тон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қарсаклар билан қутиб олади.

Карнай-сурнай, ногора садолари янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Прези-денти Шавкат Мирзиёевга берилади.

Давлатимиз раҳбари «Шарқ тарона-лари» халқро музика фестивали иштирок-чилари ва меҳмонларни самимий қутлаб, жаҳонда тинчлик ва миллатлараро тоту-лини таъминлашда мазкур санъат анжу-манининг аҳамияти бекиёс эканини таъкид-лади, фестиваль иштирокчиларига ижодий муваффақиятлар тилади.

Маросимда сўзга чиққан ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле хоним Ўзбекистонда маданият ва санъатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, «Шарқ тароналари» фестивали ана шу этиборнинг



юксак намунаси эканини қайд этди.

«Шарқ тароналари» мадҳияси садолари остида саҳнага фестиваль қатнашчилари – 75 мамлакат байроғи олиб чиқилди.

Майдон узра ёқимли куй таралди. Бу оҳанг қалбларга қириб, кўнгилнинг нозик торларини чертади. Юракларга ҳаяжон, ҳайрат солади. Бу куй сеҳри, оҳанг завқи, музика қудратининг амалдаги ифодасидир.

Санъат одамларнинг орзу-ҳаваси, қу-вонч-у шодлиги, армон ва изтироблари, ички кечинмаларини ифодаловчи восита-дир. Сўзда ёки суратда тасвирлаб бериш имкони бўлмаган ҳис-туйғулар музикада намоеън бўлади, юракларда акс садо беради. Музика халқларни, турли миллат ва элат-ларни бир-бирига танитади, қалбни яқин-лаштиради.

Самарқанд азалдан нафақат савдо-со-тиқ, балки илм-фан, санъат ва маданият маркази бўлиб келган. Самарқанд яқини-даги Мўминобод қишлоғидан 3 минг 300 йиллик тарихга эга суяндан ясалган най то-пилгани, қўҳна Афросиёб деворий сурат-ларида муғанний ва созандалар тасвир-лангани ҳам фикримизга ёрқин мисол. Ҳар гал фестивалга ташриф буюрган меҳмон-лар, иштирокчилар Самарқанд музейлари-нинг ноёб экспонат сифатида сақланаётган бу ашёларни ҳайрат билан томоша қилиб, аждоқларимиз қанчалик юксак ақл-заковат эгаси бўлганини эътироф этади.

Дунё цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган улуғ аллоамларимиз ҳам музика, қў-шиқ ҳақида фалсафий-эстетик қарашларни илгари суриб, бу ҳақда асарлар битган. Ху-сусан, Абу Наср Фаробий «Музика ҳақида катта китоб» асарида товушларнинг вужудга келиши, куйлар уйғунлиги, маром ва улар турларини шарҳлаган. Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» китобида юрак, асаб ка-салликларини музика воситасида даволаш йўллари ҳақида ёзган.

Соҳибқирон Амир Темур даврида Са-марқандда илм-фан ва санъатнинг барча соҳалари қатори музика ва қўшиқчилик ҳам ривожланган. Бу ерга дунёнинг турли ўлкаларидан моҳир созанда ва хонандалар ҳам бўлган. Буюк жаҳонгирнинг шавкатли юришларидан сўнг катта музика кечалари ўтказилган, расмий қабуллар, тантана ва ма-росимлар куй-қўшиқларсиз ўтмаган.

Тарихчи Шарафиддин Али Яздий «За-

фарнома» асарида Амир Темур саройида ўтказилган музикаий анжуманлар ҳақида тўхталиб, «Яхши овозли хонандалар куй-лашни бошлаб, ғазал-у нақш айтур эрди-лар. Ва турк-у мўғул, хит-ю араб ва ажа-дин ҳар қим-ўз расми билан нағма айтур эрди», деб ёзган.

Бугун мамлакатимизда музика ва санъ-атни ривожлантириш, мазкур соҳа вакил-ларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг бу борадаги истеъдод ва қоби-لياتини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда давлати-миз раҳбарининг мазкур йўналишда бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев-нинг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек мил-лий мақом санъатини янада ривожланти-риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори миллий мумтоз санъатимиз ривожига янги иқтибодларни очди. Мазкур ҳужжат асо-сида мамлакатимиз пойтахтида Ўзбек мил-лий мақом санъати маркази, ҳудудларда на-мунали мақом ансамбллари ташкил этилди. Болалар музика ва санъат мактабларида мақом алифбоси фани ўқитилиши йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда ижтимоий, маъна-вий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган беш муҳим ташаббусдан бири ҳам ёш авлоднинг музика ва санъатга ишти-ёқини ошириш, халқимизнинг бетақорор ма-данияти ва санъатини ўрганишга эътиборни кучайтиришга қаратилган.

Шу пайтгача юртимизда музика ва санъат бўйича фақатгина «Шарқ тарона-лари» фестивали халқро миқёсда ўтка-зилган бўлса, эндиликда бундай тадбирлар бир нечтага кўпайди. Давлатимиз раҳбари ташаббус билан 2018 йилда Шаҳрисабз шаҳрида Халқро мақом санъати анжу-мани, Термизда Халқро бахшичилик санъ-ати фестивали юқори савияда ўтказилди. Жорий йил июль ойида Марғилон шаҳрида ташкил этилган халқро фольклор фести-вали ҳам ушбу санъатни кенг тарғиб этиш, замонга мос ёвзозлаб сақлаш, ўрганиш, ўз-лаштириш, ривожлантириш ва фольклор санъатининг моҳир ижрочиларини рағбат-лантириш, ёшлар ва келажак авлод қалбига фольклор музика санъатига бўлган меҳрни оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятли

бўлди. Эътиборлиси, мазкур халқро фести-валь ва анжуманлар мунтазам ўтказилиши белгилан қўйилди.

...Маросимдаги мумтоз ашулалар, фольклор намуналари, жаҳон музика ва қў-шиқчилик санъатининг нодир дурдоналари, завқли рақслар дилларни жўш урдиради. Томошабинлар юракка яқин қўшиқларга жўр бўлади, шўх куй-қўшиқлардан завқла-ниб, рақсга тушади. Тил ва таржимон тан-ламас бу оҳанглар дилларга қириб боради. Ҳар бир инсонни, у қайси юрт, қайси мил-лат, қайси дин вакили бўлишидан қатъи на-зар, санъат орқали бир-бирига яқинлашти-ради, дўст қилади.

«Шарқ тароналари» ана шу жиҳатларни ўзида мужассам этгани учун ҳам ўтган давр мубайнида нуфузли маданий тадбирга ай-ланди. Негаки, халқро даражадаги бошқа музика фестиваллари музика санъатининг муайян турларига ихтисослашган. Айри-ларида фақат қўшиқ қуйланса, баъзиларида музика ижро этилади ёки рақсга тушилади. «Шарқ тароналари» эса санъатнинг барча кўринишларини ўзида мужассам этган. Шу-нинг учун ҳам дунёдаги нуфузли халқро ташкилотлардан бири – Халқро фольклор санъати ташкилоти қўшиқда «Шарқ тарона-лари» халқро музика фестивалини аъзо-ликка қабул қилди.

Мамлакатимизда шу кунга қадар ўн бир марта ўтказилган фестивалда дунёнинг 114 давлатидан вакиллари қатнашган. 1997 йил-даги биринчи фестиваль 31 мамлакат ва-киллари иштирокида ўтказилган бўлса, бу йилги қатнашчи давлатлар сони 75 тани ташкил этмоқда.

– «Шарқ тароналари» дунёда ўхшаш йўқ нуфузли санъат, музика фестивали, – де-йди музикашунос Калабрес Жозе Лукас (Ар-гентина). – Ушбу тадбирда иштирок этиш биз учун улкан шараф. Регистондек бетақорор ма-жмуада қўшиқ қуйлаш, миллий санъатимизни намойиш этиш имконияти берилганидан жуда хурсандимиз. Фестивалнинг тантанали очилиш маросими бунчалик катта байрам бў-лишини қутмаган эдик. Ўзбек халқининг му-зика ва санъати бой, ранг-баранг экан. Биз бу дастурни томоша қилиб, бир олам завқ, таас-сурот олдик.

Фестиваль доирасида Шарқ халқлари музика санъати анъаналарини ўрганиш ва тарғиб этишга бағишланган халқро ан-жуман ўтказиш аънаъага айланган. Бу йил фестивал давомида «Шарқ халқлари анъ-анавий музика санъатини ривожланти-риш истиқболлари» мавзусида халқро ил-мий-амалий конференция ўтказилди.

Фестивалнинг янгиланган низомига кўра, бу йил танлов иштирокчиларининг чиқишлари икки йўналиш – профессионал тарздаги халқ музика ва қўшиқлари ҳамда анъанавий ижод намуналари – замонавий музика ёки қўшиқ йўналишларида баҳола-нади.

Фестиваль иштирокчилари танлов дастуридан бошқа вақтларда Самарқанд шаҳрида, шунингдек, Оқдёр, Самарқанд, Пастдарғон, Тайлоқ, Ургут ва Жомбой ту-манларидagi истироҳат боғлари, маданият муассасаларида ижодий учрашувлар, кон-цертларда қатнашади.

Тантанали маросим юртимиз санъат усталари, ёш ижрочиларининг шўх ва дил-тортар қўшиқлари билан давом этди. Са-марқанд осмони узра порлаган музикалар, «Шарқ тароналари» музика фестивали на-волари олис-олисларда акс садо берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,

Ғолиб ҲАСАНОВ,

ЎЗА махсус мухбирлари

маданият, шу билан бирга, ту-ризм учун улкан иқтисодий им-кониятдир. Кейинги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда тарихий-маданий меросни асраб-авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётга-нига гувоҳимиз. Биз ушбу йўна-лишдаги саяё-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз.

Анжуманининг шўба маж-лисларида маданий ме-рос ва шаҳарсозлик, бутун-жаҳон меросини асрашнинг ҳуқуқий-меъриёй асослари, ах-борот-коммуникация техноло-гияларидан фойдаланган ҳолда таълимда маданий меросни сақлашдаги долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Халқро ташкилот ва хо-рижий давлатлар вакиллари, экспертларнинг жаҳон тари-хий мерос марказлари ахлит-лиги, мемориал мажмуалар, зиёратгоҳларнинг ўзига хос ар-хитектураси, урбанизация жа-раёнида тарихий обидаларни асл ҳолида сақлаш масалала-рига бағишланган маъруза-лари тингланди. Бу борадаги халқро тажриба, Ўзбекис-тонда амалга оширилаётган ишлар таъкил қилинди.

– Ташкилотимиз жаҳон ма-даний мероси рўйхатида кир-ган объектларни сақлаш, асраб-авайлаш учун давлат-ларга ўз тавсияларини бериб боради, – дейди Ёдгорлиқлар ва диққатга сазовор маскан-ларни сақлаш бўйича халқро кенгаш – ICOMOS эксперти Кристина Яманди. – Жумладан, Самарқанддаги моддий мерос объектларини асраб бўйича ҳам ҳамкорликда ишлаяпмиз.

Конференция якунида шўба мажлисларида билди-рилган фикр ва тавсиялар асо-сида тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Анжуман иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги тари-хий-маданий объектлар билан танишди, «Шарқ тароналари» XII халқро музика фестивали-нинг тантанали очилиш маро-симига иштирок этди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,

ЎЗА мухбири

Ваътан манзумаси

Шодмонқул САЛОМ

Ваътан деб шибирлар кафтларим менинг

Паришон шаҳарлар, хуркак овулар,
Донишманд саҳролар, жумард дарёлар,
Елкасин қор босган – гурур-ла турган
Бобом кўзин кўрган эй, азим тоғлар...

Сочлари шамолда кўкни супурган,
Онамдай мунтазир турғувчи боғлар.
«Ҳаёт келаетми!» – хушхабар олиб
Шул боғлар пойиза чопган ҷирмоқлар...

Бойчечакнинг тилло пиёласида
Ҳамаллар – амаллар, эриган қорлар.
Ғолиб баҳодирнинг вазмин кифтида
Қизғалдоқ кўтарган мастон боқорлар...

Оламга хирмонни устидан боққан,
Кўллари қадоклар, оташин ёзлар.
Саҳо бўл тупроққа хайр-у хуш айта
«Баҳорача...» дея бўлган парвозлар...

Шамол эркаланиб қолгани келган,
Офтоб тафти олгани ҳар кун ўтғувчи.
Ҳилол кўз узолмай, оз-оз ейилган,
Фасллар тез келиб, оранг кетувчи...

Кўчалар, орзулар, ҳаёл, ташвишлар,
Рўзорлар, ўтбоши, тотли кулгулар,
Аяллар, сизналлар, даъватлар, ишлар,
Эртага ҳам давом этгич бузулар...

Эринчоқ ё сергак тонглар, саволлар,
Кундузлар, асаблар, ёйқ оқшомлар,
Ёмғирлар, соябон тутган қадамлар,
Ҳаёт томирида чопган одамлар...

Ана шу манзилдан ёниб ўтаман,
Ёғоч тулпорда ҳам севиб кетаман,
Бу меники дейман, гурур эстаман,
Узламининг, қизимнинг қўли тутаман.

Ватан деб шибирлар кафтларим менинг,
Шундай тўлиб борар дафтарим менинг.

Таниқли археологлар Термизда

Термиз шаҳридаги муҳташам Санъат саройида бўлиб ўтган форумнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар Сурхон воҳасининг миллий дунё давлатчилиги тарихида турган ўрни, илм-фан, санъат ва маданият ривожига қўшган ҳиссаси, шунингдек, бу заминда илк бор ўтказилаётган археологик форумнинг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини айтишди.

Форум иши давомида Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш Бутунжаҳон ҳаётига илмий кенгаши раиси, академик Эдвард Ртвеладзе ва видео табриги, «Окс Искандарияси» – Кампиртепа: ОКС бўйидаги шаҳар-қазла» ҳамда «Кушон мероси» номи видеороликлар намойиш этилди.

Шўъбаларда ўтказилган конференцияларда таниқли шарқшунос олимларнинг Ўзбекистон, Марказий Осиё ва дунё тарихининг сўнгги олашмул кашфиётлари ҳақидаги илмий асосланган шов-шувларга сабаб бўлган маърузалари тингланди.

Бундан ташқари, иштирокчилар Сурхондарё вилояти ҳудудидagi қадимий шаҳарлар, олиб борилаётган археологик қазилмалар ҳудудлари ва тарихий ёдгорликларга, Марказий Осиёда ягона бўлган Термиз Археология музейи, миллий I-III асрларга мансуб «Фаётепа» буддавийлик ибодатхонаси маҳмуаси эллинистик маданиятининг Марказий Осиёдаги ғарбий ёдгорлиги саналган афсонавий «ОКС Искандарияси» – «Кампиртепа»

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»

«1

ҚАДИМ КЕНТ МАНЗАРАЛАРИ

Вилоят ҳудудидagi энг қадимий шаҳарлардан бири Ховос ҳисобланади. Бу шаҳар даврлар силсиласида бузилиб, вайронга айланиб, кўмилиб кетган. Эндликда унинг ўрнида Ховос тумани маркази яқинида жойлашган маҳобатли Ховостепа ёдгорлиги қад ростлаб турибди.

Шаҳар қадимда катта ҳудудни эгаллаган. Ҳозирги кунда унинг 1 гектардан зиёд арқ қисми, шаҳристоннинг 11 гектарлик қисми тепалик остида вайрон ҳолда сақланиб қолган. Шаҳристоннинг баъзи ўринлари ва работлари йўқ бўлиб кетган. Археологлар бу ёдгорлиқни ўрнини учун кўп йиллардан бери қазилма ишларини бажаришмоқда. Ана шундай қазилма ишларидан бирини 1988-1989 йилларда археологлар А.Грицина, В.Набоков, Ю.Буряков амалга оширишган. Бунда ёдгорлиқнинг маданий қатламлари ўрганилган. 2003-2004 йилларда яна бир гуруҳ археологлар кенг кўламли қазилмаларга бош-қош бўлишди. 2014-2018 йилларда археологлар А.Грицина, К.Раҳимов, О.Мамиров иштирокида ўтказилган қазилмалар жараёнида ёдгорлиқнинг аксарият қисми очиб ўрганилган.

БИРИНЧИ МАДАНИЙ ҚАТЛАМ

Қазилмалар натижасида тепалик остида бир неча маданий қатлам борлиги аниқланди. Дастлабки маданий қатлам антик даврга тегишли бўлиб, ўша даврга оид, яъни миллоддан аввалги IV-III асрларга мансуб уй-жойлар қолдиқлари, металсозлар бинолари, металл эриш-печалар ўринлари, хум идишлар то-пилди. Миллоддан аввалги II-I асрларга доир иншоотларнинг хоналари турлича барпо этилган. Баъзилари ҳар хил тошлар билан безатилган бўлса, айримларида хом гишларни териш асосида турли нақшлар ҳосил қилинган. Тепа қисми сини кетган катта хумларда эса турли-туман маҳсулотлар сақланган. Бинолар, иншоотлар қурилишида антик даврга хос катта гишлар ишлатилган. Хоналарнинг полларига ҳам ана шундай гишлар терилган. Иншоотлар қурилишига қараб, булар шаҳар ҳудудорларига тегишли бўлган, деган хулоса чиқариш мумкин.

Антик ва элли даврига мансуб уй-жойлардан ҳар хил осори атиқалар ҳаёт топишган. Ана шулардан бири Зардуштийлик маъбудаси Анахитанинг миллоддан аввалги II-I асрларда сополдан ишланган тасвири



ҳисобланади. Маъбуда Анахита ҳосилдорлик, об-ҳаёт рамзи бўлиб, унинг ҳайкалчаси Амударё ва Сирдарёнинг қуйи нуқталарида, Ўзбекистоннинг шимолий қисмидаги шаҳарларда кенг тарқалган. Унинг тасвири Уструшона ҳудудларидан топилиши ноёб ҳодиса ҳисобланади. Бу маданий қатламдан антик даврга оид исирикдонлар, қадаҳ идишлар, қозонлар, тошдан тайёрланган деворларни бузишда ишлатилмадиган яролар, чироқдонлар ҳам топилиши эса Ховос тарихи олис ўтмишга бориб тақалишини кўрсатади.

ИККИНЧИ МАДАНИЙ ҚАТЛАМ

Ховостепа ёдгорлигининг иккинчи маданий қатлами миллодий IV-VIII асрларга тааллуқли экани аниқланди. Яъни, Ховосда ижтимоий ҳаёт, шаҳарсозлик 500-600 йиллар оралиғида гуллаб-яшнаган. Бу даврда шаҳар муҳташам муҳофаа девори билан ўраб олинган. Мудофаа деворларининг маълум жойларида минорасимон буржлар бунёд этилган. Археологик қазилмалар жараёнида мудофаа деворларининг пастки қисми, минорасимон буржларнинг пойдеворлари, улуғвор қилиб солинган уй-жойларнинг қолдиқлари очилиши натижасида шаҳар ҳаётига оид янги маълумотларга эга



Сирдарёнинг очиلاءётган сирлари

бўлибди. Бу даврда хунармандчилик янада ривож топган. Хунармандчилик маросимларида ишлатилмадиган турли хил идишларнинг, сопол ва тошдан ясалган урчуқбошлар, суякдан тайёрланган ғалтаклар, бугдой ёғруқчоқлар, гиёҳларни янчадиган тош келилар, камон ўқларнинг учлари, тош мунчоқлар, товалар, кўплаб кўзаларнинг топилиши ҳам бунга исботлайди. Айни шу даврда Ховос Буюк Ипак йўлининг марказидаги, ҳам савдо,

ҳам ҳарбий йўлнинг чор-раҳасидаги шаҳарга айланган. Бу ердан йўл тўрт тарафга – бир томони Ҳўжанд ва Фарғона орқали Хитойга, иккинчи томони Банокат кечуви орқали Харсанкат ва Дашти Қипчоққа, учинчи томони Самарқанд ва Бухорога, тўртинчи томони Уструшона пойтахти Бунжи-катта тармоқланган. Шаҳар даврда катта ҳудудни эгаллаган.

УЧИНЧИ МАДАНИЙ ҚАТЛАМ

Араблар босқини шаҳарга катта талафот етказган. Лекин орадан кўп ўтмай қадим шаҳар ўрнида янги шаҳар қад ростлаган. Бу шаҳар қолдиқлари тепалиқнинг учинчи маданий қатламидан жой олган. Ушбу маданий қатламдаги турар-жойлар, бинолар, иншоотлар қолдиқларини археологлар X-XIII асрларга тегишли деб баҳолашган. Бу маданий қатламдаги иншоотлар иккинчи маданий қатламдаги уйлاردан қурилиши, бинокорлик услуби, архитектураси жиҳатдан фарқ қилади. Энг муҳими, уйлар қурилишида аввалги даврлардаги хом гишлар ўрнини пишган гишлар эгаллаган. Натижада бинолар барпо этишда нақшлар, безакларга кўпроқ эътибор қаратилган. Бу маданий қатламда топишган нодир иншоотлардан бири XI асрга оид қадимий ҳаммом қолдиқларидир. Бу эса шаҳарда жуда кўплаб иншоотлар мавжуд бўлганидан дарак беради. Маълумки, ҳаммомлар одатда масжидлар олдида қурилган. Масжид эса бир ўзи барпо этилмаган, унинг ёнида мадраса, хонақоҳ, минора ҳам тикланган. Демак, бу ҳаммом ёнида ана шундай иншоотлар мавжуд бўлган. Ҳаммом, тақоратхонани қуриш учун қадимий мусулмон гишлар ишлатилган. Бу маданий қатламдан мисдан ясалган тангалар, узуклар, сирланган қосалар, кўзалар, сирланган лаганлар, қуллолар ишланган нақшикор идишлар бўлаклари, меъморий безаклар, сопол идишларга безак бериш учун ишлатилмадиган қопиб бўлаклари ҳам топишган. Ана шу қадимий осори атиқалар орасида яна бир нодир ашё – Ҳумо қушининг босма усулда гўзал тасвири акс эттирилган чироқдон дастаси ҳам қазиб олинган. Ҳумо қушини аждоқларимиз бахт ва омад, фаровонлик рамзи деб ҳисоблашган. Номазум мусаввир томони-дан Ҳумо қуши Боғи Эрам қўйнида ҳаёт гўзаллиги ва абадийлигининг тимсоли сифатида акс эттирилган.

ТўРТИНЧИ МАДАНИЙ ҚАТЛАМ

Ховостепада ҳаёт XVI-XVIII асрларда ҳам давом этган. Бу ёдгорлиқнинг тўртинчи маданий қатламидан топишган уй-жойлар қолдиқлари, сув йўллари, майиз қайнатилмадиган ўқчалар, сирланган лаганлар ва бошқа буюмлар мисолида аниқланди. Тепалик устида қалашиб ётган сопол буюмлар қолдиқлари ҳам ушбу даврдаги ҳаёт нишоналаридан дарак беради.

Тепалик остидаги вайронга айланган шаҳарнинг ниҳоятда қадимий эканини археологик қазилмалар натижаларидан

ташқари кўҳна қалъа атрофида жойлашган меъморий иншоотлар, қабристонлар, зиёратгоҳлар, макбаралар, табаррук қадимжолар ҳам исботлайди. Қалъа атрофида олтига қабристон – Мозори қўтон, Мозори сайиди, Мозори пари, Мозори шохид, Мозори дил, Мозори қавс жойлашган. Бу қабристонларнинг аксарияти тепалиқнинг атрофларида, яъни қадимий Ховос шаҳрининг шаҳристон ва работлари ўрнида пайдо бўлган. Бошқачароқ айтганда, босқинлар, урушлар натижасида работлар вайрон бўлиб, қабристонларга айланган. Қабристонларнинг кўпчилиги эса бу шаҳарда аҳоли зич яшаганини кўрсатади.

Тарихчиларнинг маълумотларига кўра, Ховосда 28 та табаррук қадимжолар бўлган. Эндликда улардан 12 таси сақланиб қолган. Шулардан бири «Ҳасти бузургон» зиёратгоҳи саналади. Бу зиёратгоҳда «Ҳасти бузург» лақаби билан улуғланган Жобир бобонинг қабри жойлашган. Ривоят қилишларича, Жобир бобо Ховос ва унинг атрофларига Ислол динини ёйиш учун келган. Бу инсон Ховосни обод қилишда қатнашган ва халқ ўртасида илм-маърифат тарқатган. Шу сабабли «Ҳасти бузург» дея улуғланган. «Биби оча» зиёратгоҳида Жобир бобонинг турмуш ўртоғи Биби Ҳадича дафн этилган. Бу ерда она ёки бувиға оча дея мурожаат қилишгани сабабли у киши Биби оча дея эътироф этилган. «Юсуфбобо» зиёратгоҳида эса қадимда Ховосда темирчилик билан шуғулланган ва табиблик қилган, кейинчалик темирчилар пири деб улуғланган Юсуфбобо макбараси мавжуд. «Шербоб» макбарасида эса олис ўтмишда Ховосни душманлардан ҳимоя қилган, ҳимоячиларга бош бўлган Иброҳим-исмли шерюррак инсон дафн этилган. Қадимий «Намозгоҳ» масжидини ховосликлар Жобир бобонинг етуқ, донишманд фарзандлари шарафига «Саъду Саъид» (Сайидларнинг улуғи) номи билан аташган. Бу зиёратгоҳларнинг аксарияти бугунги кунда обод масканларга айлантирилган.

25 АСРЛИК ТАРИХ

Мазкур маълумотлар ва археологлар қазилма ишларининг дастлабки натижаларидан аниқлашдики, Ховос ниҳоятда қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, у камида 2400-2500 йиллик тарихга эга. Бу ерда амалга оширилган археологик изланишлар шундай хулосага келишга асос бўлди. Лекин бу тарихий сана ҳам яқиний эмас. Чунки тепалиқнинг энг ости қисмидаги маданий қатлами ҳали аниқланмаган. Агар бундай маданий қатлам мавжуд бўлса, қадимий Ховоснинг ёши 2400-2500 ёшдан ҳам улуғ бўлиши шубҳасиз. Шунинг учун у нафақат Сирдарё вилоятидаги, балки мамлакатимиздаги кўҳна шаҳарлардан бири, деб эътироф этилди. 2018 йилда Ховостепа ЮНЕСКОнинг маданий ёдгорлиқлар рўйхатиға киритилди.

ХОВОС НОМИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

Кўҳна шаҳарнинг Ховос номи билан қачондан бошлаб аталгани ва бу ном қандай маъно билдириши ҳақида аниқ тарихий маълумотлар йўқ. Лекин бу борада баъзи тахминий фикрларни билдириш мумкин. «Ховос» сўзи араб тилидаги «хавос» сўзининг халқимиз тилида ўзгарган шакли. «Алишер Навоий асарлари лугати»да келтирилишича, «хавос» сўзининг икита лугавий маъноси мавжуд. Биринчиси, хосиятлар, хоссалар, иккинчиси подшоҳ яқинлари, улуғ зотлар, хос кишилар маъноларини билдиради. «Хавос»нинг бирлик формаси «хос» бўлиб, у махсус, алоҳида, юқори табақа мазмунларини англатади. Шун-

дан келиб чиқиб, Ховос сўзи подшоҳ яқинлари, улуғ зотлар, хос кишилар яшайдиган жой маъносини билдиради, дейиш мумкин. Шаҳарга бу ном, табиийки, араблар босқинидан кейин қўйилган. Араблар босқинига қадар шаҳар қандай ном билан аталгани номаълум.

Айни пайтда, ўрта аср ёзма манбаларида бу шаҳар ва унда яшаган баъзи улуғ шахслар хусусида маълумотлар ҳам мавжуд. Жумладан, Абу Комил ал-Басирийнинг «Музофот», Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабийнинг «Муъжам аш-шуюх», Абу Хафс Умар ан-Насафийнинг «Ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд» каби асарларида ҳам Ховос ва ховослик аломатлар ҳақида қисқача маълумотлар берилган.

Ховостепа ёдгорлиги ва шаҳар кўринишлари 1900 йилдан кейин фотосуратларга ҳам муҳрланган. 1909 йилда Чор Россияси пойтахтидан фотограф, этнограф олим Семен Прокудин-Горский Туркистонга келади. Бу ерда Самарқанд, Фарғона, Бухоро ва Сирдарё вилоятларидаги қадимий шаҳарлар бўйлаб саёҳат қилади. Ховос шаҳарчасида бўлиб, тепалиқни, шаҳардаги уйлари, шаҳар атрофидаги жойларни, ховосликларни суратларга муҳрлайди. Унга яқин фотосуратлар тарих мулкиға айланиб қолган. Улар эндликда Америка Қўшма Штатларининг Конгресс кутубхонасида ва Россияда, Санкт-Петербургдаги Борис Ельцин номидаги Президент кутубхонасида сақланмоқда. Буларнинг бари Ховоснинг қадимий ва кўҳна тарихидан гувоҳлик беради.

САЙЁҲЛИК МАРКАЗЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ

Бугунги кунда Ховос тарихини ўрганиш ва уни тарғиб қилиш, Ховостепа ёдгорлигини ҳамда унга ёндаш зиёратгоҳларини сайёҳлик марказларидан бирига айлантириш учун жиҳидий ишлар амалга оширилмоқда. Туман ҳокими Райимқул Бобоев бошчилигида «Кўҳна Ховос маданий меросини асраб-авайлаб сақлаш маркази» ташкил этилган. Бу марказнинг фаолияти тарихни ўрганиш, археологик қазилмаларни амалга ошириш маданий меросни авайлаб сақлашдан тортиб уларни кенг жамоатчиликка таништиришга қаратилган. Хуллас, бугун тарихга эътибор, уни асл ҳолида тиклаш ҳар бир ховосликнинг чинакам мақсадиға айланди.

...Ховос ёдгорлик тепалигининг энг юқори қисмиға кўтарилсангиз, теварак-атроф яққол кўзга ташланади. Бир томонда Курама тизмалари, иккинчи томонда Мирзачўл кенгликлари, учинчи томонда бурилиб-бурилиб оқаятган Сайхун, яна бир томонда Зомин тоғлари қадар бир-бирига туташиб кетган боғлар намоён бўлади. Бу ерда бир зум ўтирсангиз, кўҳна тарих ҳаёлингизда жонланади: Зардуштийларнинг маҳобатли ибодатхоналари, Искандар Зулқарнайнинг саф торган лашкарлари ва Спитаменнинг озодлик учун курашлари, мўғуллар қирғини ва Жалолиддин Мангуберди, Темур Малиқнинг уларга қарши аёвсиз жанглари, соҳибқирон Амир Темурнинг буюк давлат барпо этиши, Чор Россияси ва шўролар давлатининг мустамлакачилик урушлари, халқимизнинг эрк, мустақиллик йўлидаги армонлари, орзу-умидлари ва истиклол қувончлари... Кўҳна Ховос ва бу шаҳарда яшаган халқ ҳам тарихнинг ана шундай йўлларини босиб ўтиб, бугунги кунларга етиб келди. Ховостепанинг юксак нуқтасидан яна бир ҳолат – унга ёндаш Гулбаҳор, Хуснобод, Фарҳод, Зафаробод, Ҳавотғ, Туркистон, Соҳибқор, Чаманзор ва бошқа шу каби қишлоқлар қайтадан обод бўлаётгани, унга яқин жойда «Ховос сити» деб номланган кўркам, гўзал шаҳар қад ростлаётгани ҳам намоён бўлади. Бир ёнда 2500 йиллик кекса тарих сирларини очмоқда, иккинчи томонда, келажак бўй кўрсатмоқда. Ховос ана шундай ўзгаришлар, янгиланишлар ва бунёдкорликлар қўйнида яшамоқда.



Камол МАТҚУБОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

МУАССИС:

O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi

2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир
Хўсан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг фармон ва
қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий,
танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоғ этилди. Қорхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Баҳоси келишилган нархда.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ«ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззак – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муайинлар фикр аниқ таҳририят нуқтаи
назарида фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдурахмонов

Мусакхчи:
С. Шодиева

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдуқалилов

ЎЗА яқини – 0120
Тошхирлиди – 0250

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ,
бўрифта Г – 817,
28020 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5